



ВАКЦИНАЛАШ – ЯГОНА ЙҮЛ

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ КОРОНАВИРУСГА
КАРШИ ЭМЛАНДИ

Давлат раҳбари Қарағанды фармацевтика заводида ишлаб чиқарылган «Спутник-V» вакцинаси билан эмланди. Бу ҳақда Президентнинг матбуот котиби Берик Уали Facebook саҳифасида маълум қилди.

«Давлат раҳбари фақат эмлаш ва умумий иммунитетни шакллантириш орқали Қозоғистон фуқаролари коронавирусни ёнгизи, барча чекловларни олиб ташлаб, анъанавий ҳаётга қайтишларига ишончи комил», дейилади хабарда.

Шунингдек, Қасим-Жўмарт Тўқаев, ахолини имкониятдан фойдаланиб, тезроқ эмланишга даъват этди.

– Вакциналаш – ўзингиз ва яқинларингизни ёнгиз қилишининг ягона йўли, – деди Қ. Тўқаев.

● Қутлов!

Ижодий баркамоллик ёр бўйсин!

Хурматли Алишер Гофуржон ўғли!

Сизни ва «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти жамоасини мамлакатимиз мустақиллиги билан ҳамоҳанг келган 30 йиллик юбилеи билан чин қалдан табриклиман!

Ҳозир бутун дунёда оммавий ахборот воситаларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Сизлар Элбошининг «Мангу Эл» гояси ва унинг стратегик ўйналишини тарғибот қиласадан, жамият фикрни шакллантирадиган ҳамда миллий тотувликини кучайтишига хизмат қиласидиган кучсизлар.

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг меҳнати жуда мураккаб, масъулияти ўта юкори, шунингдек, шарафлиидир. Сабаби, уларнинг кўлида ҳалқ зэзгулини ўйлида хизмат қиласидиган қалами бор. Биз ҳамиша Сизларнинг меҳнатингизни мунособ баҳолаймиз.

Депутат ва журналистларнинг мақсади муштарак – эл корига камарбаста бўлиш. Сизларнинг таҳририяtlариниз келажакда ҳам депутатлар ва жамият орасидаги муносабатларни кучайтишида жонбозлик кўрсатишига ишончимиз комил.

Сизларга ўз касбининг фидойиси сифатида баҳо берамиз, қадрлаймиз ва мамлакатимизнинг равнақига мунособ ҳисса кўшишинизга ишончимиз комил.

Чин қалдан ижодий баркамоллик, мувваффақият, оиласларинизга барака, омонлик, баҳт тилаб қоламан.

Ф. ҚОРАТОЕВ,

Қозоғистон Республикаси
Парламенти Мажлисингизнинг депутати.

МАҚБАРА ОЛДИДА САКУРА ГУЛЛАДИ

2-бет

ТУРКИЙЛАР ҚҰЛНИ ҚҰЛГА БЕРГАНДА

4-бет

ЭЛЛИК ЙИЛ АВВАЛГИ ХАТОЛИК

8-бет

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси



janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2021 йил 8 апрель, пайшанба. №37 (2942).

Жанубий Қозоғистон

МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ – САЛОҲИЯТИМИЗ ҚЎЗГУСИ

ТУРКИСТОНДА ЕВРООСИЁ БУТУНЖАҲОН МЕРОСИ ШАҲАРЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ ЎТДИ

Туркистон шаҳри Евроосиё Бутунжаҳон мероси шаҳарлари рўйхатига расман қабул қилинди. Шу муносабат билан ташкилотнинг Х юбилей анжумани яқинда туркӣ оламнинг маънавий пойтахти мақомини олган Туркистон шаҳрида ўтказилди.

Унда сўз олган Туркистон шаҳри ҳокими Рашид Аюпов жорий йил Қозоғистон Республикаси Мустақилликининг 30 йиллиги арафасида ўтაётган тадбирнинг аҳамиятига тўхтади. Ушбу анжуманга қизиқиш билдирган ва иштирок этган дунё мамлакатларининг Евроосиё Бутунжаҳон мероси шаҳарлари рўйхатига кирган давлатлар вакиллари билдири.

Анжуманда тарихий ва маданий қадриятларни сақлаш бўйича илғор тажрибага эга бўлган Эрон, Россия, Сербия, Туркия, Польша, Юнонистон, Индонезия, Германия, Марокаш, Албания, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Хитой каби 23 мамлакатдан 50дан зиёд шаҳар вакиллари иштирок этиши.

(Давоми 3-бетда). ►

ЭЛЛАРНИ ЭЛЛАРГА ПАЙВАНД ЭТАЁТАН САНЪАТ

ҚОЗОҒИСТОНЛИК ДЎМБИРАЧИЛАР
БЮОК БРИТАНИЯДАГИ
ИСТЕҶДОДЛАР ШОУСИДА
«ОЛТИН»НИ ҚҰЛГА КИРИТИШДИ

Қозоғистонлик дўмбирачилар Темирлан Ўлжабаев ва Ернат Науриз Буюк Британияда ўтган Golden Time Talent ташкилотчилари уларни ўз мусобақаларининг финал босқичида иштирок этишга тақлиф қилишди.

Дўмбирачилар дуэти АҚШда ўтказилган ҳалқаро мусобақада олтин медални қўлга киритгандан сўнг, Golden Time Talent ташкилотчилари уларни ўз мусобақаларининг финал босқичида иштирок этишга тақлиф қилишди. Унда қозоғистонлик дўмбирачилар Курманғази ва Нурғиса Тлендиев куйларини ва замонавий бастакорларнинг асарларини ижро этиши.



Пандемия туфайли барча иштирокчилар ўз ишларини масоғадан студияга юборишиди. Ҳакамлар финал иштирокчиларини онлайн тарзда танлаб олишди. Улар орасида қозоғистонлик дўзёт ҳам бор.

«Hollywood»да ўтган жаҳон танловигига қозоқ ҳалқининг дўмбирачини олиб бориб, 72 давлат санъаткорлари орасида ўз номинациязизда олтин медални қўлга киритдик», деб ёзди Темирлан Ўлжабаев ўзининг инстаграм саҳифасида.

«АНТИКОВИД ПАСПОРТИ» ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Коронавирусга қарашда рақамли технологиялар татбиқ этилмоқда. Бу ҳақда Ҳукумат ийғилишида ҚР Соғликни сақлаш вазири Алексей Цой маълум қилди.

– Мамлакатдаги эпидемияга қарши кураш ва ишбилиармонлик фаоллигини мувозатлаш мақсадида рақамли технологиялар жорий этилмоқда. Вакцина олган шахсларни кузатиш ва рўйхатга олиш учун «Антиковид паспорти» ишлаб чиқилди. Мақсад – «Ashyq» лойиҳаси татбиқ этиш доирасини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини фаоллаштириш ҳамда мониторинг гуруҳлари самарадорлиги ва шаффоғлигини ошириш, – деди вазир.

Казинформ.

24 kz.

МАҚБАРА ОЛДИДА САКУРА ГУЛЛАДИ

Туркий оламнинг маънавий пойтхати – Туркистонда Яссавий мақбараси ҳудудидаги ботаника боғида сакура дарахти гуллади. Ислом боғи асосида барпо этилган ушбу боғда 200 туп сакура дарахти, ноёб ниҳоллар ўтқазилган. 7,7 гектар ерда қарор топган ушбу ҳордик масканнида яқин кунларда минглаб гилослар пушти, бинафша, оқ рангларда товланиб гуллаш арафасида.

Вилоят ҳокими Ў. Шўкеев Туркистон шаҳридан қурилиш майдонларида олиб борилаётган ишлар билан танишиди.

Ботаника боғида Германиядан махсус олиб келинган дарахт ва гул кў-



чатларининг 50дан зиёд тури ўтқазилган. Шу жумладан, манзарали дарахт кўчатлари ва турли гуллар, тут, чинор, дўлана, гуллар, атиргул ва лолалар. Ушбу яшил ҳордик масканнида баландлиги 1 метрдан ошмайдиган минга яқин ёргулик мосламалари алоҳида безак сифатида ўрнатилган.

Шунингдек, бу ерда манзарали сувхавзаси ва фавворалар барпо этилди. Шаҳардаги янги истироҳат боғлари ва ҳордик масканларини оралаган ви-

лоят ҳокими қурилиш ва таъмиглаш ишларини 10 кун ичидаги тўлиқ якунлашни топшириди.

6 гектар майдонда жойлашган "Рамзлар майдони"да кўкаламзорлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу ерда 2 минг туп кўчатлар ўтқазилиб, чим ётқизилади.

Вилоят ҳокими шаҳардаги ушбу масканларнинг қурилиши белгиланган муддатдан кечикаётгани учун пурратчи компаниялар фаолиятини танқид остига олди.

Компания вакилларига барча ишларни сифатли ва ўз вақтида якунлаш юзасидан кўрсатма берди.

Сўнгги бир кеча-кундузда вилоятимизда 12 одамда коронавирус аниқланди. Бир кеча-кундуздаги ўсим – 0,26 фоиз. Пандемия бошлангандан бўён вилоятимизда 600 мингга яқин ПЗР тести олинди. Сўнгги кеча-кундузда эса 2276 одам тест топшириди. Юқумли касалликлар шифохонасида 610та ўрин мавжуд бўлиб, улардан 392таси бўш.

Вилоядатда ҳозирги кунда 23 мингдан зиёд тибиёт ходими бор. Уларнинг 500 нафардан зиёди шифокорлар. Соҳа фидойиларининг залвори меҳнат туфайли 4392 киши касалликдан фориғ бўлди. Умуман олганда, пандемия бошлангандан бўён КВИ ва пневмонияга 4569 одам чалинган. Уларнинг 2920 нафарида касаллик аломатларсиз ўтди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



15 МИНГГА ЯҚИН ОДАМ ЭМЛАНДИ

Вилоятимизда 15 мингга яқин одам "COVID-19"га қарши эмланишининг биринчи босқичидан ўтди. Улардан 12 мингга яқини тиббиёт ходимлари бўлса, 2 мингта яқини педагоглар, 500га яқини эса полиция ходимлари. Бугунги кунда 8103 киши вакцинанинг иккинчи компонентини олиб улгурди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

БУ ЙИЛ ЖАНУБДАН ШИМОЛГА 6 МИНГДАН ЗИЁД ОДАМ КЎЧАДИ

да ахборий ва тушунтириш ишларини юритиши жонлантиришимиз зарур. Ҳар бир фуқаро Шимолга қўчишида нималарга эътибор қаратиш зарурлигини, уларга давлат томонидан қандай ёрдам беришини билиши шарт, – деди Б. Тажибаев.

Миграция соҳасига улкан ҳисса қўшиб келаётган фаол фуқаро, "Евромонт сервис" МЧБ директори Жанабай Ағабеков "Кўчиб борувчиларнинг насияларига 6 ойгача танаффус берилса, мintaқalarning ўзиға хослиги билан танишитирадиган марказлар очилса, ҳар бир қишлоққа камида 5-10 оила бирга кўчирилса, ишимиз янада жонланар эди. Ҳозирги кунда ҳам янги жойда янги ҳаёт бошлашга қарор қилгандар етарли", деди.

Вилоят бандлик ва ижтимоий дастурларни мувофиқлаштириши бошқармалари раҳбарлари, масъул мутахассислар, Туркистон вилоят маслаҳати депутатлари, бандлик бўлимлари етакчилари қатнашди. Мажлис модератори – Nur Otan партияси Туркистон вилоят филиалиниң биринчи ўринbosari, вилоят маслаҳати депутати Бейсен Тажибаев миграция стратегик аҳамиятга эга масала эканлигини таъкидлadi.

– Nur Otan партиясининг "Ўзгаришлар йўли: ҳар бир фуқарога мунособ ҳаёт!" сайловолди дастурида вилоят аҳолисининг фаровонлигини ошириш кўзланган. Бу борада мintaқa аҳолисини иш ўринлари кўп Шимолий мintaқalарга қўчишига ёрдам кўрсатиш орқали меҳнат захираларидан унумли фойдаланиш мумкин. "Бандликнинг йўл харитаси-2020" дастури амалга ошган 5 йилда Шимолий Қозогистон, Шарқий Қозогистон, Павлодар ва Қўстаний вилоятларига 20 мингдан зиёд одам кўчган бўлса, ундан 6 минг нафари ёки 1700га яқин оила Туркистон вилояти аҳолиси. Биз қўчиш истагини билдирган фуқароларга ёрдам бериш, шу йўналиш

нат" дастури доирасида оиланинг ҳар бир фуқаросига 35 ОҲК (102095 тенге) миқдорида моддий ёрдам кўрсатилиади. Шунингдек, ўн иккى ой давомида уйни ижарага олиш харажатларини ўташга субсидия берилади. Шаҳарга кўчиб борган бир одам 20 ОҲК (58340 тенге) миқдорида моддий ёрдам олса, оила аъзоларининг сони иккитадан тўрттагача бўлса, 25 ОҲК (72925 тенге) миқдорида ижара ҳақи берилади. Қишлоқ жойларга кўчиб борган бир одам учун 15 ОҲК (43755 тенге) миқдорида ижара ҳақи берилади. Оила аъзоларининг сони иккитадан тўрттагача бўлса – 18 ОҲК (52506 тенге) миқдорида моддий ёрдам олади.

Шу ва бошқа мъалумотлар мұхокама қилинган учрашувда 5 та вилоятнинг ижтимоий соҳаларига масъул бошқарма раҳбарлари ўз фикр ва таклифларини билдиришиди. Шимолий Қозогистон вилоят бандлик ва ижтимоий дастурларни бошқармаси раҳбарининг ўринbosari Ринат Елжасов мintaқa маддий зиёд бўш иш ўринлари мавжуд эканлигини айтди. Павлодар вилоят бандлик ва ижтимоий дастурлар бошқармаси бўлим мудири Меруерт Есенбаева кўчиб борганларнинг 78 фоизи доимий иш билан таъминланганини таъкидлadi. Улар

ЯНГИ ПОЙТАХТ – ЭЛБОШИ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧИ

Ростини айтсан, Нур-Султан шаҳрига неча марта келганимни эслай олмайман. Бироқ, биринчи ташрифим ҳақидаги хотиралар ҳали ҳам ёдимда. Биз ўша пойтахт талаба эдик. Жанубга хизмат сафар чоғида Тўннич Президент, Элбоши Нурсултан Назарбаев бир гурух ёшлар билан учрашиб, уларни пойтахтга таклиф қилган эди. Ушбу таклиф туфайли оиласиз, қариндошларимиз ҳаттоки дўстларим орасида илк бор янги пойтахтни кўриш каминага насиб этди.

Саёҳатга борган ҳамроҳларим билан шаҳарни уч соат ичидаги пиёда кезиб чиқдик. Бугунги пойтахт кўчаларидан бирида юриш учун уч соат вақт кетиши мумкин. Университетга қайтгач, "Астана – Евроосиё юраги" мавзууда анжуманлар ўтказиб, ўз таассуратларим билан ўртоқлашган эдим.

Уша болалик чоғимизда Байтерек сингари кўзни қамаштирадиган биноларни кўздан кечирар эканман, янги пойтахтнинг мамлакатимиз келажаги учун нақдар мұхимлигини тушуниб етмаган эканмиз.

Пойтахтнинг ҳозирги қиёфасини кўриб, Элбошининг 24 йил муқаддам қабул қилган қарори Қозогистоннинг бепоён даштига янги жўшқинлик бергани ва барча ислоҳотларнинг ҳаракатланувчи кучига айланганини ҳис этамиз.

Замонавий тарихда янги пойтахтларни қурган кўплаб шоҳлар, президентлар бўлган. Бироқ мен ҳеч қачон иккита пойтахт қурган раҳбарлар ҳақида эшитмаган эканман.

Элбоши бу билан тўхтаб қолмай, маънавий пойтахтимиз Туркистон шаҳрига ҳам янги мақом бериб, туркий оламнинг маркази бўлган кўхна шаҳарга қайта жон ато этди.

Соҳибқорон Амир Темурнинг назари тушиб, Тауке хон, Абилай хонлар бошқарган муқаддас Туркистоннинг бетакорр қиёфасига ва аҳолисининг миннатдорчилигини туркистонликлардан ортиқ ҳеч ким билмаса керак.

Алишер СОТВОЛДИЕВ.



бошпанда билан таъминлаш масаласида ҚР Парламенти депутатларига мурожаат қилишларини айтишиди.

Мажлис якунидаги яқин вақт ичидаги туман, шаҳар "Бандлик марказлари"да "Мөҳнат" дастури орқали кўчишини истаганларга маслаҳат берадиган бўлим очиш, уларнинг кўчишига ёрдам берадиган ҳомийларни топиш ва оилалар рўйхатини аниқлаш, ташвиқот ишларини кучайтириш юзасидан қарор қабул қилинди. Шунингдек, Интернетда Туркистон вилоятининг кўчишини истаган фуқаролари учин маҳсус сайт очиш таклиф қилинди.

Бугунги кунда Шимолий мintaқalарга кўчганлар сони буйича Туркистон вилоятининг Жетисай, Мақтаарал, Сариооч, Келес, Қазигурт, Сайрам туманлари ва Арис шаҳри пешқадамлик қилмоқда.

Қозогистон Республикаси Мөҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қондошлар ва кўчиб борувчиларни қабул қилишининг мintaқавий квотасини тасдиқлади. Шунга мувофиқ, 2021 йили Ақмўла, Шарқий Қозогистон, Қўстаний, Павлодар, Шимолий Қозогистон вилоятларига кўчиш учун 6039та квота ажратилган.

Вилоят мintaқавий алоқалар хизмати.

МАДАНИЙ МЕРОСИМИЗ – САЛОҲИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Онлайн анжуман доирасида қадими мерос ва маданиятни асрар-авайлаш, сайёхликни ривожлантириш, шаҳарни ободонлаштириш, янги иншоотлар қурилиши шароитида унинг тарихий жозибадорлигини сақлаб қолиш масалалари муҳокама қилинди.



Туркистон шахри ҳокими ўз маърузасида сайёхлик соҳасини ривожлантириш, туризм ва маданият соҳасида таҳсил олаётган талабаларнинг ўзаро тажриба алмашишлари учун шароит яратишида Евросиё Бутунжаҳон мероси шаҳарлари



ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ташаббуси билан чиқди.

Тадбир якунида, Евросиё Бутунжаҳон мероси шаҳарлари ташкилотининг X Халқаро конференциясининг декларацияси қабул қилинди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.

• Ҳукуматда

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ НАЗОРАТДА

Қозоғистонда уч ойда 6 млн. одам вакцина билан эмланади



**Буни Ҳукумат мажлисида
ҚР Бош вазири Асқар Мамин
маълум қилди.**

– Бизнинг ҳозирги асосий вазифамиз – санитария-эпидемиологик вазиятнинг барқарорлаштириш ва вакцина билан эмланганлар сонини кўпайтиришдир. Ушбу йўналишда аниқ ишлар ташкил этилган. Вазирлик томонидан эмлаш режаси ишлаб чиқилган. Жорий йилнинг апрель-май ва июнь ойларида

минтақаларда ҳар ойда 2 млн. одам вакцина билан эмланади, – деди Бош вазир.

Вазирлик маълумотларига кўра, сентябр ойигача 10 млн. одами эмлаш режаланган.

– Соғлини сақлаш тизими зарур дори-дармон ва тиббий анжомлар билан таъминланди. «СК-Фармация» МЧБ омборлари ва дорихоналарида 2 ойлик дори-дармон заҳираси яратилди. Шунингдек, барча минтақалар

3 ойлик дори-дармон, шахсий химоя воситалари билан таъминланиб, барқарорлаштириш жамғармалари ташкил этилган.

Мухтасар қилиб айтганда, Президент Ҷасим-Жўмарт Тўқаевнинг барча кўрсатмаларини бажариш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда, – деди Асқар Мамин.

Primeminister.kz.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЯДИ

Қозоғистон Ўзбекистонга тўловли йўллар тизимини ривожлантиришга ёрдам беради

Қозоғистон ва Ўзбекистон автомобиль йўллари учун масъул компаниялар икки томонлама меморандум имзоладилар. Бу ҳақда «ҚазАвтоЖол» миллий компанияси матбуот хизмати маълум қилди.

Ўзбекистон пойтахтидаги учрашув чоғида «ҚазАвтоЖол» ва «В-Тес» ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланди.

«Меморандумга мувофиқ, Қозоғистон компанияси ўзбекистонлик ҳамкасларига тўловли йўллар тизимини ривожлантириш юзасидан маслаҳат бериб, электрон тўлов тартибини жорий этишига кўмаклашади. Шуну таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда жорий этилган «ҚазАвтоЖол» электрон тўлов тизими қозоғистонлик мутахас-



ислар томонидан ишлаб чиқилган», деб хабар беради компаниянинг матбуот хизмати.

Хабар 24.

АФСОНДИЙ АТТИЛА ҲАҚИДАГИ КИТОБНИНГ ТАҚДИМОТИ ЎТАДИ

Халқаро Туркий академия, Венгрия ва Қозоғистон Ташқи ишлар вазирлари иштирокида афсонавий хунлар ҳукмдори, Марказий Осиё туркий қабилалари вакили Аттила ҳақида «The Lord of Europe Attila» мавзудаги илмий ишнинг тақдимоти ўтди.

Академия ёрдамида инглиз тилида нашр этилган ушбу асрар муаллифи таникли олим, хунлар тарихи бўйича малакали мутахассис, Венгрияning Мўғулистандаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Борбала Обрушанскидир. Илмий иш қадимги хунлар давридан ўрта асрларга қадар туркий давргача бўлган анъаналярнинг давомийлигига оид янги маълумотлар ва янги нуқтаи назар


билан ажralиб туради.

– Аттиланинг туғилган йили ва жойи номаълумлигича қолмоқда. Тахминларгага кўра, У асрнинг биринчи ўн йиллигига туғилган. Аттиланинг қайси миллатга мансуб бўлгани ҳам кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Кўпчилик тадқиқчилар уни Марказий Осиёнинг туркий қабилалари вакили бўлган, деб ҳисоблашади. Фаразларнинг бирига кўра, унинг Аттила исми туркийча «отли», «атли», яъни номи чиқсан, шарафли маъносини беради. Нима бўлганда ҳам Аттила буюк саркарда ва император бўлган. У етакчилик қилган хунлар, Рим империясига улкан таҳдид соглан. Фақат милодий 453 йилда Аттиланинг вафотидан кейин хунлар

салтанати қулаган, Рим империяси хунларнинг даҳшатли таҳдидидан халос бўлган, – деди Б. Обрушански.

Халқаро Туркий Академиясида ўтган янги нашрнинг тақдимотида Венгрия Ташқи савдо ва ташқи ишлар вазири Петер Сийярто, Бош вазир ўринбосари – Ташқи ишлар вазири Мухтар Тлеуберди, Халқаро Туркий Академия президенти Дархан Қидирили, Венгриядаги ҚР Фавқулодда ва мухтор элчи Михай Галошфай, шунингдек, Венгрия делегацияси, давлат ва жамоат арбоблари иштирок этишди.

ҚР Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати.



ЯНГИ ҲАМЖАМИЯТ – ЯНГИ ҚАДАМЛАР

Давлат раҳбари Қ. Тұқаев 31 март куни ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашиның норасмий саммитида Туркистан шаҳри маданият, иқтисодиёттін үзігі хос марказыға айланиши зарурлығыни тақыидлаган зди. Шу муносабат билан Туркистан шаҳрида креатив саноат ҳамжамияты ташкил қилинди.

Ташкилоттнинг мақсады – туркий халқлар үшін умумий ишбіларменлик майдончасини шакллантириш, инновация ва заковат соҳаларини құллаб-күвватлашта ёшлар орасыда ижоди рақобатни күчайтириш. Буни вилоят қокимининг ўринбосари Мейиржан Мирзалиев маълум қилды.

– Туркистан асрлар давомида Марказий Осиё ва туркий оламнинг маданий пойтахти

сифатида эътироф этиб келинади. Шу сабабли, биз ушбу ҳамжамиятын ташкил қылмокдамиз. Мазкур соҳани ривожлантириш давлатларнинг иқтисодий ҳамкорлығыни янада ривожлантиради, – деди М. Мирзалиев.

Матбуот анжуманида онлайн шаклида қатнашган “FUTURK” туркий тилли давлатларнинг креатив саноат ҳамжамиятына раисаси Элмира Сарсеналиева ҳамжамиятын фаолияти билан таништириди. Вилоят табиқорлар палатаси директори Тимур Нақипбеков эса ёшларни құллаб-күвватлашга мүлжалланған лойиҳалар билан таништириди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.



Туркийлар Кенгашиның норасмий саммити Туркистанда ўтди. Мавридини топиб, маҳаллий ва хорижлик олимларнинг фикр-мулоҳазалари, таклиф-тавсиялари билан танишдик. Бу галги меҳмонимиз, ўзбекистонлик таниқли олма, Турон ФА академиги, тарих фанлари доктори Шоҳистахон Ылжаева. Айтганча, Шоҳиста Мамажон қизининг Марказий Осиё тарихи тадқиқотидаги бекітес хизмети эътироф этилиб, Қозоғистонда Таълим ва фан вазирлигининг “Қозоғистон илм-фанига құшган ҳиссаси учун” медали билан тақдирланған.

– Нима учун туркий халқларнинг бирлашиши бугунғы кунда долзарб масалага айланған? Тарих саҳнасига туркий тилли давлатларнинг иттифоқини тузиш, тарихини ўрганиш масаласи чиқишига сабаб нима?

– Бириңчидан, замон, сиёсат ўзгарды. Шу пайтгача ўтмиша сохтаорликка йўл қўйилган тарихи қайта ёзиш, аниқ маълумотларга асосланған холис, умумий тарих яратиш зарурати ва имкони пайдо бўлди. Давлатлар орасидаги муносабатларнинг ўзгариши, шарафли тарихимизни биргаликда чуқур ўрганиш ва ҳалқимизга етарли даражада тақдим қилиш учун кенг имкониятлар яратди. Ваҳоланки, бутун Марказий Осиёда туркий халқлар истиқомат қиласи, уларнинг сони 150 миллиондан зиёд. Қолаверса, Шарқий Европа, Болтиқбўйи, Сибир, Олтой тоф этакларида туркийлар яшайди. Туркийлар тарихи буюк. Уни бир давлат ёки бир ҳалқ миқёсида тиклаб бўлмайди, уни фақат яхлит ўрганиб, теран тадқиқотлар асосида яратиш лозим. Биз, олимларнинг вазифаси – ҳалқларни бирлашириш, илдизимиз ягоналигини илмий жиҳатдан исботлаб беришdir. Даврнинг талаби – тарихчиларнинг бирлашишини тақозо этмоқда. Тарих сиёсат воситасига айланиб қолмаслиги керак. Тарихни соҳталаштириш жуда катта хато, ҳатто гуноҳи кабира ҳамдир. Шунинг учун туркий халқларнинг бирлашуви, энг аввало, тарихимиз инсоний инсоғ руҳидан келиб чиқкан ҳолда тақдим этишдан бошлашимиз энг тўғри йўлдир.

Иккинчидан, туркийларнинг бирла-

Туркийлар қўими қўлга берганда

шиши бугунғи таҳликали замонда, яни учинчи бақувват кучларнинг қўлида ўйинчоқ бўлиб қолмаслик, давлатчилигимиздан ажраб қолмаслик учун ҳам зарур.

Собиқ Иттифоқ даврида туркий халқлар тарихи ўта саёз, юзаки ўрганилган. Сабаби, “пантуркчилик” оғир жиноят ҳисобланған. Агар туркийлар тарихи ташвиқот қилинса, ҳатто бу мавзуда гап

ҳалқининг меҳмондўстлиги, самимийлиги, мардлиги, бағрикенглигини ҳеч ким инкор эта олмайди. Бу ҳақиқатни яхши тушунған ҳозирги Президентимиз Шавкат Мирзиёев тарихий адолатни тиклашга интилди ва Аллоҳга беадад шукрки, халқлар ўртасидаги алоқалар яхшиланиб, ҳар жабҳада иккى қўшнининг дўстлик ришталари мустаҳкамланмоқда.



очилса, дарҳол “пантуркчилик”да айбланарди. Бу модда билан айбланғанлар эса фақат олий жазога маҳкум қилинарди. Шунинг учун ўтмишда туркийлар тарихи билан деярли ҳеч ким шуғулланмасди. Ҳозир эса замон ўзгарди...

– Миллий тарих ҳақида фикрингиз...

– Ўрта Осиёда яшаган халқлар, яни ота-боборимиз азалдан ягона, умумий маконда яшашган. Фақат кўчманчи чорвачилик билан шуғулланғани ёки қулаги шароитлар, минтақа хавфсизлиги илинжида бошқа юртларга кўчуб ўтганини айтмасак, доим бир ҳудудни макон, Ватан тутишган. Чегара, бўлиниш, миллий адоват тушунчалари мутлақа бўлмаган.

Йирик империялар, кучли давлатлар тарихини ўрганадиган бўлсак, уларни умумий ҳудуд, ягона маслак ушлаб турган. Миллатга ажратиш ҳолати бизга XIX-XX асрларда кириб келди. Бир-бiriни “сен қозоқ”, “сен ўзбек”, деб ҳеч қаён ажратмаган аждодларимиз миллатчилика ўрганишиди, ягона тарихини, умумий ўтмишини унутишди. Миллий низолар чиқа бошлиди. Тарих “сеники”, “меники”га бўлинди, миллатлар бир-бiriни камсита бошлиди. Туркистан жадидлари иттифоқи тузилганда, Мустафо Чўқайдек сиёсий билимдон, 100 йилни олдиндан кўра биладиган улуғ йўлбошчилар бўлмадими? Ким ўша пайтда бу “қозоқ” ёки “ўзбек” деб ажратди? Уларнинг ягона мақсади – бирлашиш, ягона макон тутиш, туркий халқларнинг иттифоқи эмасмиди? Қанча қозоқ Ўзбекистонда яшайди, қанча ўзбек Қозоғистонда... Қуда-андачилик, дўст-биродарлик азалдан мавжуд. Қозоқ

Бунинг учун Қозоғистон Республикаси Тўнгич Президенти, Элбошиси Нурсултан Назарбаев, амалдаги Президенти Қасим-Жўмарт Тўқаевлардан қон-қардош миллатлар бениҳоя мамнун. Чунки, ўтадаги вақтнинчалик танаффус тугади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзаро иттифоқ керак, бусис асло тараққёт бўлмайди. Чунки, миллатчилик бугунғи кунда бирлашишга, ҳамкорликка, интеграциялашув жараёнларига тўсиқ бўлган салбий ҳодисадир.

– Ижтимоий тармоқларда фаолсиз, тарихга оид материалларнинг оммалашган...

– 2007 йилдан буён Фейсбуқдан фойдаланиб келаман. Кўпинча енгил-елпи нарсалар ҳақида ёзишганида ҳафсалам пир бўларди, одамларнинг вақти истроф бўлаётганига ачинардим. 2016 йил 16 майда гурух очдим. Олимлик рутбасига эришгач, фаолиятим, ижодим сарҳадлари янада кенгайди. Айни пайтда гуруҳда 51 мингдан зиёд аъзо бор, лекин амалда ундан ҳам кўп одамлар фойдаланиб турди. Хориж сафарларига деярли ҳар ойда бораман, турли анжуманларда илмий маъruzalарим билан иштирок этаман. Лекин ёнимда турган Қозоғистонга ҳеч бормаган эканман. Алмати, Шимкент, Туркистанни кўриш орзум ушалиб, Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳалқаро университетида маъруза ўқидим, тарихий шаҳарларни ораладим. Сайрамга, Арслонбобга бордим, хуллас, тарихий қадамжоларни зиёрат қилдим, тасавvурим бойиди. Қозоғистонлик ўзбеклар, яни туб маҳаллий аҳолининг тили, урф-одатлари ўзбекистонлик ўзбекларни киги жуда ўхшаш.

Уларнинг тарихини ўрганиш, ёзиш истаги пайдо бўлди.

– Туркий халқларнинг ер ўзига тарқалиб кетиши билан урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳам узоқ юртларга етиб борган. Дунё туркийларини ўрганган олма сифатида бу тарихий жараён ҳақида нима дея оласиз?

– Дунё туркийлари орасида Сибирь бухорийларининг тарихи қизик. XIV аср охириларида бухоролик уламолар совук Сибирга йўл олиши. Нақшбандий тарқатидаги сўфийлар шаманларга сингинган Сибирь татарлари, ёқут, олтой, карёқ ва нанайлар ўртасида Ислом динини тарғибот қилишибди. Дарвешлар авлодлари ҳозир асосан Тюмень, Омск ва Томск вилоятларида истиқомат қилишади. У ерлардаги машхур ҷарм махсулотлари ва гилам дўконлари – бухорийларнинг хизмати. Авлодлар алмасиши аносида бухорийлар ўзларини татарлар деб атай бошлашган. Дунёга машхур бўлган “Сибирь мушуғи” аслида туркистанликлар томонидан у ерга олиб борилган. Ҳа, илк бор Сибирга мушукни туркийлар олиб киришган. Сибирдаги Эмбоевлар, Тўраевлар, Мадяровлар, Меримовлар ва шу каби қишлоқлар (шаҳар-қасабалар)да ҳам асосан Бухоро ва унинг атрофларидан борган аҳоли истиқомат қилган. Машхур Сибирь мўйнасининг бутун дунёга тарқалишида (Мўйна ўйли) бухоролик саводагарларнинг хиссаси катта, улар Буюк Ипак йўли орқали иқтисодий алоқаларни ривожлантиришган. Шу боис рус ҳокимияти туркийларни солиқлардан озод этиб, уларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатган.

Сибирь, Олтой, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистан, Хурсоннинг қатта қисмидан бошқа жойларда қадим замонлардан буюк аждодларимиз – туркийлар яшаб келади, уларнинг ҳар бир истиқомати алоҳида китоб ёзиш мумкин.

– Келажакда қозоғистонлик олимлар билан ҳамкорлик қилиш режангиз борми?

– Албатта, ҳамкорлик қилишга, кўшма лойиҳалар билан ишлашга тайёрман. Ниятим экспедициялар ташкил қилиш. Нафақат Туркистан заминини, балки Мўгулистан, Олтой, Хитойдаги аждодларимиз изларини ўрганиш. Қадимги туркий ёзувларни ўз кўзим билан кўрсам, дейман. Туркия, Исландия миллиатдошларимиз кўрган маҳобатли иморатларни томоша қилсан дейман. Қани энди, умумий тарихимизни ўрганиш учун алоҳида ҳалқаро жамғарма бўлса, жилд-жилд китоблар чиқарардик, видеофильмлар тайёрлардик. Қолаверса, ҳалқ оғзаки ижоди жуда саёз ўрганилган соҳа. Бир тарихий фактни китобдан ўргангунча, қишлоқда бориб ўрганишнинг аҳамияти катта. Чунки жонли тарих, гувоҳлар тилидан эшигганга нима етсин.

Аллоҳ насиб этса, иккى давлат тарихчилари ўртасида ҳамкорликка оид меморандумлар имзоланса, архивларда ишлаш имкониятлари ҳам кенгаярди. Шунга интилишимиз керак.

– Ишларингизга омад, сухбат учун раҳмат!

Н. МАВЛОНОВА.



TURKISTAN

FUTURK
ТҮРКІТІЛДЕС ЕЛДЕРДІК КРЕАТИВТІ
ИНДУСТРИЯ ҚАУЫМДАСТЫРЫ



● Обуначиларимиз орасида

УСТОЗ, БОҒБОН, ИХТИРОЧИ

Янги Иқон қишлоғидаги кўп йиллик қадрдомиз, “Жанубий Қозоғистон” нинг фаол тарбиботчиси, нафақадаги устоз Олим Қосимов апрель ойининг биринчи ҳафтасида Қозоғистон Республикаси “Дўстлик” ҳамжамияти раиси, Қозоғистон Халқи Ассамблеяси бошқаруви аъзоси Икромжон Ҳошимжонов имзолаган ҳужжат асосида давлатимизнинг тинчлик-тотувлик сиёсатини тарғиб қилишдаги фидокорона хизматлари учун “Дўстлик” кўкрак нишони билан мукофотланди. Мукофот муборак бўлсин!

Олим Қосимов бунга қадар шаҳар, вилоят, республика миқёсида кўп йиллик фидокорона мөхнатлари учун кўплаб мукофотлар билан тақдирланган, хусусан, у Туркистан шаҳрининг ибратли фуқароси.

Олим Қосим ўғли 1947 иили Янги Иқонда дехқон оиласида – Қосим ота ва Азиза ая хонадонида дунёга келди. Оилада олтина фарзанд бўлса, улардан олий маълумотли устоз бўлиш, шогирд тарбиялаш баҳтига Олим Қосим ўғли мушарраф бўлди.

Умр йўлдоши, устозлик касбини шарафлаб ўтган Малика Маҳмудова (раҳматли) билан қобил фарзандлар – Тўлқин, Жўшқин, Мадиҳон, Мўътабарларни тарбиялаш, ширин-шакар неваралар кўрган пири бадавлат оила соҳиблариди.

Олим Қосимовни ҳамқишлоқлари Янги Иқондаги Мирзо Улуғбек номидаги ўта мактабда химия ва биологиядан дарс берган



нафақадаги олий тоифали устоз, битта дарахтда 10 навли олма етиширган, ажойиб серҳосил кўчатлар тайёрлайдиган боғбон,

Туркистандаги Аҳмад Ясавий номидаги Халқаро университет кашфиёт – патентлар бўлимида учта илмий ихтироси Қозоғистон Республикаси Таълим вазирилиги томонидан тан олинган ихтирочи сифатида эъзозлаб, ҳурмат қилишади.

– “Жанубий Қозоғистон” газетаси Мустақил Қозоғистонимиз билан бирга ҳамқадам келаётган мўътабар минбаримиз. А. Навоийнинг 580 йиллигини Туркистан саммитида барча туркийзабон давлатлар томонидан муштарак тантана сифатида ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганди. Қозоғистонда чоп этилаётган “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси ҳар бир хонадон тўридан, ҳар бир ҳамюртимиз қалбидан жой олса, нур устига нур, – дейди Олим Қосимов.

Ш. МАДАЛИЕВ.

● «Жанубий Қозоғистон» вилоят газетасига – 30 йил.

Ўттиз ёшинг муборак!

Эл севган нашрдир, «Жанубий Қозоғистон», Илллар тарихида сен, ошиб ўтдинг минг довон. Миллатим ойдин ўйли, сенда эрур намоён, Халқ сўзини сўзладинг, ҳамроҳ бўлди ҳур замон.

Меҳнат қўлдинг туну-кун, ҳақиқат-чун тикиб жон, Илму-фан маърифатда, саҳифалар бир жаҳон, Мовий ранг байробингни, танимитиб сен дунёга, Бугун ўзинг танилдинг, «Жанубий Қозоғистон».

Элизмдаги фаол рўзнома – ўзбекзабон, Уфқларинг кенг, теран ақл-заковат посбон, Бош муҳаррир Алишер, ҳалол мўхнати достон, Ортаверсин ададинг, ҳалқум севган тил, забон.

Хурматинг бўлди баланд, адолатпарвар сарбон, Давлат тилида эркин, ёзилди сўзлар равон, Мир Алишерга монанд, илмингдан эл баҳраманд, Бўлдинг бетакрор эҳсон «Жанубий Қозоғистон».

Ўттиз ёшинг муборак, ўттиз ишил мустақиллик, Бу кун шарафли ишинг, оламга татигулик, Барча ижод аҳлига тилаймиз баркамоллик, Соғ бўлинг, омон бўлинг, бўлсин доим бирдамлик.

Хурбуви ОДИЛОВА.

АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА РИВОЯТЛАР, ҲАҚИҚАТЛАР

Маълумки, тарихда из қолдириган шахслар ҳақида ҳали орасида ҳикоялар, ривоятлар тарқалади. Айниқса, ҳаётি оламшумул аҳамиятга эга Амир Темур каби шахслар тўғрисида бундай ҳикоя ва ривоятлар кўп. Соҳибқирон ҳақида қанчадан-қанчада ривоятлар тўқилган, асарлар ёзилган.

Ўрта аср тарихчиси Мавлоно Лутфилло Нишопурин сўзига кўра, Темур 7 ёшлигига отаси Тарагай билан қариндошларини каборган. Улар кўпдан-кўп моллар, кулларга эга бўлиб, доимо хавотирлика яшар экан. У Тарагайга дебди: “Худо менга молу давлат берди, лекин уни сақлашга тамоман охизман. Кулларим сабру тоқатли эмаслар, фарзандларим салоҳитасиз. Шу сабабдан молу дунёмга нуқсон етмасин деб қўрқаман”. Темур гапга аралашиб дебди: “Эй, ота, фарзандларингга молларини бўлиб бер ва ундан сўнг уларни ўз молу мулкига дохил қилгингим, улар ўз-ўзи билан овора бўлсин. Сўнг турк кулларни ҳинд кулларнинг тепасига қўйгани, ҳиндларни ўз амири фармонига бўйсундурсинлар, Кейин ҳар уч қулни улардан ақллироқ бир қулнинг ихтиёрига топшир. Сўнг уларнинг ҳар бирини еттигадан кулнинг амири қил. Кейин етмис қулга бош бўлган ана шу етита қулни бир-бирининг таъзим ва ташрифига буюр. Уларни кўздан қочирма, чунки бир-бirlари билан кўп сухбатлашмасинлар”.

Қариндоши Темурнинг ақл-заковатига қойил қолиб, унинг отасига дебди: “Сенинг бу фарзандинг жаҳонга подшоҳ бўлади, буни мен гапларидан сезиз турибман”.

Салоҳитдин Тошкандийнинг “Темурнома” асарида Соҳибқироннинг дафн маросими баён этилган ривоятда ёзилишича “Мотамларда барча уламою фузалолар йиглаб, уч кунгача қон йигладилар. Ҳожа Исматулло қўйидаги марсияни айтган(парча):

**...Нўшировондек одил, ҳам олим
эрди, фозил**

**Ҳар ишга ақли комил,
фарzon ўлди гойиб.**

**Даёвлатда ким Сулаймон,
фитратда чун Фалотун,**

Ҳикматда эрди гўё

Луқмон ўлди гойиб.

**Эҳсонда мисли Ҳотам,
шавқатда эрди чун Жам,**

**Зўрлиқда ҳам чу Рустам,
паҳловон ўлди гойиб.**

**Гайратда мисли арслон,
дашт ичра ёки қоплон,**

**Баҳра наҳанг-у сабон,
шукоъбон ўлди гойиб.**

**Фарзанди аҳли нўён,
Тўрагай баҳодир ўғли,**

**Саййид Амир Темурхон Кўрагон
ўлди гойиб.**

Биз Амир Темур ҳаётига тегишли айрим ривоятларни келтирдик, холос. Унинг оидиллик фазилатлари ҳам ривоятларда ўз аксини топган. Поён Равшанов “Темурнома” асари сўзбосида ёзишича “Замоннинг зайли билан осори атиқаларнинг фақатигина Амир Темурни мазах қиладиган нуқтапаригина танлаб олинган. Унинг ҳаёти, сиёсий ва жанговар фаолияти ҳақида ҳикоя қўйувчи китоблар “унтилган”. Ўз душманларига нисбатан тутган сиёсатини бир ёқлама баҳолаш нотўғри. У ҳоинликни кечирмаган, ҳалқа зулм қилувчи хукмдорларни аёвсиз жазолаган. Шу билан бирга, тинчлик омонлик истаган юрганларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаганди.

Тарихий манбаларни варақлар

еканмиз, Амир Темур Ўрта Осиёда парокандалик, сиёсий тарқоқлик, ҳалқ оғир зулм кечираётган жуда қалтис даврда сиёсий майдонга чиққанлиги

сабабли ҳам унинг шахсига ўша муракаба сиёсий вазият таъсир этганини ва ҳаёти қай йўналишда бўлганинг гувоҳи бўламиш. Лекин ҳаёти давомида шайх Зайнiddин Абу Бакр Тайбодий тұхфа этган, “Куч – адолатда”, деб ўйиб ёзилган тилло узукдаги сўзларига

амал қилгани аниқ. Бу сўзлар давлат муҳрида ҳам акс этган.

Амир Темур давлатнинг таркибида “Адолат” амири лавозимини таъсис этиши ўз даврида камдан-кам учрайдиган ҳолат. “Адолат” амири вазирлар даражасида бўлган. Бу лавозимдаги шахс ҳар эл ва шаҳарда сипоҳ билан раият орасидаги урф-одатлар, расмлар оқибатида келип чиқадиган довлар ва низоли масалаларни тинч, муроса йўли билан ҳал қилган. Адолатнинг кучи шунчалик кучли эдик, агар мамлакатда бирор одам бир тоғоқ оптин ёки кумушни бошига қўйиб, мағрибдан машриқкача борса ҳам, ҳеч ким унга кўл чўзмас, оптин ё кумушдан биттаси ҳам камаймасди.

Буюк Соҳибқирон ҳукм чиқариша барчага бирдай адолат билан қаради. Унинг адолат тарозисида барча, шу жумладан ўз фарзандлари, набиралап-

амалга оширилган дастлабки уриниш бўлди.

1968 йили ватанпарвар, жасоратли олим Иброҳим Мўминовнинг “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” китобининг чоп этилиши ўша давр учун катта жасорат бўлди. Иброҳим ака бу китобда Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида ижобий ўрин тутганини кўрсатгани учун каттиқ танқидга учради.

Лекин, у ўзига: “Сиз кўрасиз, шундай Замон келадики, Амир Темурни кўкларга кўтариб, буюк шахс сифатида қадрлайдилар”, деган эди у.

Буюк соҳибқироннинг бугунги кунда шундай шахс бўлишида, ҳормай-толмай ҳақни қарор топтирган Ўзбекистоннинг Тўнгич Президенти Ислом Каримовнинг хизматлари бекиёс. Улуғ Соҳибқирон бобомиз ҳақидаги ҳақиқат тикланди. 1996 йил Ўзбекистонда



ри бирдай даражада эдилар. Тарихий манбаларда унинг адолат қонунларини бузганлиги учун ўғли Мироншоҳ, набиралари Пир Муҳаммад, Султон Ҳусайн Мирзолар жазолангандарни ҳақида маълумотлар келтирилган. Ҳатто, икки бош вазир – Маҳмуд Довуд ва Муҳаммад Жалдни 1404 йили қатл этишга буюрган (Б. Аҳмедов, “Тарихдан сабоқлар”, 1994 йил).

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидаги ўртаосиёлик ўқувчиларнинг Амир Темурнинг жанговар ҳаёти ҳақида жуда кам маълумот олганлиги маълум. Рус жангариси Пётр I тўғрисида кўп маълумот берилшиб, Амир Темурнинг салбий жиҳатлари тўғрисида икки оғиз сўз айтиларди, холос.

Бизнинг ҳалқимиз араб ёзувидан лотин, сўнгра кирил ёзувида ўтганлиги ҳам бунга таъсир этмай қолмади. Сабаби маълум, ҳалқимизнинг тарихий манбалари араб алифбосида ёзилган эди. Шу сабабли бу даврда асосан европалик муаллифлар манбаларидан маълумот олинган. Улар Амир Темур ҳаётига бир томонлама ёндашган ўша тарихий манбалар асосида фикр юритганлар. Айниқса, Ибн Арабшоҳнинг адолов билан ёзган “Темур ҳақида хабарларда тақдир ажойиботлари” асаридан кенг фойдаланишган. Ибн Арабшоҳнинг адоловати, унинг ўн икки ёшида она юрти Дамашқдан онаси ва бирорадарлари билан тутқун сифатида Самарқандга келтирилганлиги сабаб юзага келган ва у кўп ўринда жаҳонгир шахсига оид миш-мишлар асосида дунёга келган ривоятлардан фойдаланган. Лекин, шунга қарамай, китобхон Амир Темур ҳақида ёзилган китоблар қай ниятда ёзилганлигини дарров англайди.

В. Череванскийнинг китобида муаллиф “Темур тузуклари”дан ҳам фойдалангани, айрим жойларда нотўғри хусловалар чиқарганини учратамиз. Собиқ Шўро ҳукумати таркибида республикалар мустақиллик йўлига ўтиши туфайли ҳалқимиз асл тарихимизни ўрганишга йўл очди. “Темур тузуклари”нинг бир қисми матбуотда ўзлон қилинди. Бу Амир Темур ҳақида ҳақиқатни қарор топтириш борасида

“Амир Темур йили” деб эълон қилинди. ЮНЕСКО қарори билан Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди.

Соҳибқироннинг ибратли фазилатлари ҳақида тарихчи Ибн Арабшоҳнинг “Зафарнома”сида ўқиймиз: “Амир Темур ёлғоннинг душмани бўлиб, ҳазил унга ёқмасди. Ҳақиқат қанчалик аччиқ бўлмасин, уни эшитиши маъқул кўради”. “Темур тузуклари” асари Амир Темурнинг ўз асари эканлигига шубҳа билан қаралди, лекин олимларимиз “Зафарнома” асари билан қиёслаш орқали унинг ўзи ёки унинг иштирокида ёзилганини исботладилар.

Бу ўринда яна шуни таъқидлаш жоизки, Амир Темур жасур жангчи, моҳир лашкарбоши бўлишига қарамай, уруш унинг учун энг сўнгиги чора бўлган. “Темур тузуклари”да қўйидаги сатрларни ўқиймиз: “Давлат ишларининг 9 улуши кенгаш, тадбир ва машварат билан, қолган бир улушкини қилич билан бажарилиши англадим”.</p

● Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Болгария Миллий Қаҳрамони Зиёмат Ҳусанов таваллудининг 100 йиллигига

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Бироз тин олгач, Зиёмат ака нафасини ростлаб, давом этди:

– 1944 йилнинг 23 май эди. Сағимиздагилардан, эслаб ўтганларимдан ташқари, китоблик Ўроқ, ленинбодлик Мирмуҳаммедов, самарқандлик Ҳамид Рашидов, ўшлик Махмуджон Қирғизовлар эсимда, холос. Ўшанда, жами бта от-улов ва уларга ортилган миномёт, кўплаб чех милтикли парни ҳамда анча озиқ-овқат захираларини ўлжа қилиб, югослав-болгар партизанларига етказиб берганимиз ва улар дастлабки жангларда ўлжаси – одам танасини эҳтиётлик билан оёги томонидан ҳидлаб кўради. Буни сезгач, инсон яна ўзига келиб, олға интилади – судралади. Бўри қари, шу боисдан ҳам тирик инсон билан олишишга чоғи келмайди, демак, у одамнинг ўлишини кутмоқда, лекин оч, яшашни хоҳлайди – ўлжасидан баҳраманд бўлиш нияти бор. Одамнинг эса бўрини “пиш” дейишга ҳам дармони йўқ. Иккаласида ҳам ҳаётга муҳаббат ҳисси баланд. Қанча вақт ўтгани номаълум, бир пайт инсон ўзига келиб, кўзини очса, қаршисида денгиз, одамлар қимирлашяпти, уларни ёрдамга чақиришга ҳаракат қиласди, лекин ожиз. Унга тасалли берган нарса – қари, оч бўри унинг оёги остида ўлиб ётарди...

Бу пайтда югослав ҳалқи Совет армияси муваффақиятларидан руҳланиб, курашни фаоллаштирган эди. Қардошлар сафида 28 ўзбек йигити ҳам “Ўз бахтимизни яна топдик!” – дея Алномишдек жанггоҳларда иштирок этиб, хурмат қозонишиди.

1944 йил июнида Боян Михнев отряди Трин шаҳри атрофидаги болгар партизанларининг бошқа гуруҳи билан ҳамкор ҳолда жанговар ҳаракатни ташкиллаштириши режалаштириб, 300 кишилик отряди билан йўлда кетаётганида сони бир неча баравар кўп душманга рўбарў келиб қолади. Тоғ жанглари бошқача бўлар экан. “Пулемёт бўлса, айни муддао эди, лекин у йўқ-да”, – деб турганим-да, фашистлар пулемёти “сайраб” қолди. Дўстларимга ишора билан душманни ҷалғитиб туришларини айтдим-да, ўзим эмаклаб бориб, немис блиндажига граната улоқтиридим. Ярадор ҳолда, ўлим билан олишаётган фрицини жон-жаҳдим билан, отам ўргатган қолипда, қўйдай бўғизлаб, пулемётига ёпишдим ва ўғирилиб олиб, немисларга қаратада отавердим. Пировардида, қуролдошларимга йўл очилиб, хужум бошланди. Мен тўхтамасдан отардим. Бир пайт душманнинг “фугас” и олдимда портлади, хушсиз йиқилдим. Ўзимга келганимда зимиштон эди. Пайпаслаб кўрдим: қўлим-оёқларим, барча бармоқларим бутун – демак, яна тирикман! Кўкрагимда қон, миям лат ебди, аста қўлимни қулоғим орқасига юборсан, беш бармоғим кириб кетди, ундан қон оқаяти. Жон аччиғида додлаб юбордим, лекин атровимда хеч ким йўқ.

Ғалаба нашидаси яқин онларда ўлимга йўл йўқ! Гимнастёркамни йиритиб, яраларимни боғладим. Инсоннинг ўлиши ҳам ниҳоятда қийин экан, ни масини айтай?!

Ишонинг, иродада бўлса, ҳар қандай қийинчиликни енгиг ўтиш мумкин. Ўзим ўлай деяпман-у, иродам яшашга, интилишга чорлайди. Ишонмайсиз,

Жек Лондоннинг “Яшашга муҳаббат” ҳикоясини эслабман. Ҳикоя қилинишича, бир киши, оғир жароҳатлари билан чўлу-биёбонда, нажотсиз қолиб кетади. Мажолсиз, ўлим аниқ, бир қултум сувгина халос этиши мумкин уни бу мудхиш ҳолатдан. Бир неча чақирим масофада денгиз бор, лекин унга етиб олиш амри-маҳол. Устига-устак, изидан оч бўри келаётганини сезиб қолади. Лекин йиртқич, нимагадир, одамга ташланишга ботинмаяпти, аммо унинг жуда очикқани аниқ. Одам сув сари интилади – бўри унинг изидан келаверади. У ҳушидан кетганида бўри: “Ўлдимикан?” – деб ўлжаси – одам танасини эҳтиётлик билан оёги томонидан ҳидлаб кўради. Буни сезгач, инсон яна ўзига келиб, олға интилади – судралади. Бўри қари, шу боисдан ҳам тирик инсон билан олишишга чоғи келмайди, демак, у одамнинг ўлишини кутмоқда, лекин оч, яшашни хоҳлайди – ўлжасидан баҳраманд бўлиш нияти бор. Одамнинг эса бўрини “пиш” дейишга ҳам дармони йўқ. Иккаласида ҳам ҳаётга муҳаббат ҳисси баланд. Қанча вақт ўтгани номаълум, бир пайт инсон ўзига келиб, кўзини очса, қаршисида денгиз, одамлар қимирлашяпти, уларни ёрдамга чақиришга ҳаракат қиласди, лекин ожиз. Унга тасалли берган нарса – қари, оч бўри унинг оёги остида ўлиб ётарди...

Ўшандаги ягона орзуим – бир қултумгина сув ичиб, ором олиш эди. Пастдаги жилғада сув кўриниб туриди, бир пайт унга етибман ҳам. Тўйиб-тўйиб ичиб, анча ўзимга келиб олдим. “Энди ўладиган аҳмок йўқ!” – деб ўзимга ўзим тасалли бериб, судрала-судрала қишлоққа етиб қолибман. Кечаги жанг олдидан ўз халоскорлари сирасида мени ҳам меҳмон қилган болгар кампир ва ўғли мени кўриб, уйига олиб киришибди, яраларимга малҳам қўйишгач, отрядимга хабар қилишибди – мен хеч нимани билмайман, чунки қишлоқ бўсағасида ҳушимни йўқотган эканман.

Эрталаб етиб келган командирим Боян:

– Зиё (у мени шундай атарди), раҳмат, сен ўз мардана ҳаракатинг билан отрядимизга йўл очдинг. Биз ҳужум билан куршовни ёриб ўтиб, нариги бўлинмаларимизга қўшилиб олдик. Олға, йўл энди очиқ, Ғалабамиз яқин! – деди-да, қўшиб қўйди: – Бахтинг бор экан, ўзбек йигити. Италия партизанлар бригадаси командирининг самолёти уни ва бошқа ярадорларни Торонто шаҳрига госпиталга олиб кетаяпти. Сени ҳам кўшиб юборяпмиз. Тузалганингдан сўнг, албатта, учрашамиз!

Самолётга олиб чиқишганида, учганимизда, хушсиз эдим. Кўзимни очсан, оппоқ чойшаб, тўшакли каравотда ётибман. Ҳамширадан сув сўрадим. Эртаси кунги узоқ давом этган жарроҳликда миямдаги снаряд қолдиқларини олиб ташлаб, қон қуя бошлашди. Бешинчи

ЖАСОРАТ ВА МАТОНАТ КИССАСИ



жарроҳликдан сўнг оғриқлар деяярли қолди – бунгача қаттиқазобда бўлдим, уни сўз билан изоҳлашнинг иложи йўқ. Лекин чап қулоғим эшитмай қолаверди.

1945 йилнинг феврали. Анча тузалиб қолдим. Совет армиясининг майори келиб, савол-жавобга тутди ва ўзимизнинг госпиталда даволанишни давом эттиришимни айтиб, хурсанд қилди. “Касаллик тарихим”ни ҳам олмасдан йўлга тушибман. Ол-а, содда ўзбек. Ҳудди шу ҳолат ҳаётимда кўп панд беришини қайдан билибман!?

1945 йил марта асирида бўлган совет жангчиларини Италиядан Одессага олиб келдилар. Темир йўл станциясига пиёда олиб боришибди. НКВД ходимлари назоратидан “қизил вагон”ларга жойлаб, 4 кунда Уфага етказишибди. “Алкина” қамоқ лагерида, ха, тўғри эшитдингиз, қамоқ лагерида жароҳатларим янгиланди, яралантган қулоғимдан йиринг оқадиган бўлиб қолди.

Италия госпиталидан кетганимга афсус қилдим, лекин барчasi орқада қолганди. Такдир тегирмонини қаранг, мени югослав-болгар партизанларига қарши жанг қилганда айблашиб, қийнашиб, айбимни бўйнимга олишимни талаб қилиб, тазиқ ўтказишибди. Партизан бўлганимни айтсан, “Касаллик тарихим”ни талаб қилишибди. Ўзлари суриштириб, аниқлашмади. Мени “Власович”га чиқармоқчи бўлиб, тергов

ўтказишибганида сиёҳдон билан терговчининг бошига туширедим. Натижада ўлакса қилиб калтаклашди, қўлимга кишан солиб, қоронғи, заҳ ертўлага қамаб, бир неча кун сув беришмади.

Саккизинчи куни лагерь бошлиғи ўз ҳузырига чақириб, гуноҳсиз эканим, югослав-болгар партизанлар отрядидаги фаолиятим тасдиқлангани, менга 1944 йил 22 февралда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилганини аниқлашганини маълум қилиб, уйга жавоб берди. Шу инсондан умрбод миннатдорман.

Уфадан уйга – она қишлоғим Сайрамга 4 кунда, қоронғи тушгандан етиб келдим: дарвозани тақиллатдим. Бевақтим келганини билгани чиқсан онам Мұхтарам мени бағрига тортида, ҳушидан кетди. Ҳамма йигилди. Ўлики тирик кўришнинг ўзи бўладими, ахир? Байрам икки ҳафтага чўзилди, ҷоғи. “Қаҳрамон” эканлигим овоза бўлганди, жанггоҳлар таассуротларини ҳамқишлоқларимга руҳланиб, фарҳ билан сўзлардим. Унинг устига Ғалаба ҳам етиб келганди. Барча азоб-уқубатлар орқада қолди, қандай баҳт!

Қайда дейсиз! Инсонга ҳаётда синовлар чексиз экан. Ҳарбий комиссариатга “Қаҳрамон”лик унвонининг гувоҳномасини олиш учун бордим. Асирида бўлганимдан хабардор бўлишгач, фақат Москвага бориб ҳал этишим зарурлигини айтишибди. Болгар партизанлар

отрядидаги жанговар дўстим, бухоролик Сейлихон Файзиев билан Москвага отландик.

ССР Олий Совети ходимлари:

– Уйингизга жавоб юборамиз, – деб қайтаришибди. Лекин ҳануз жавоб кутаман.

Бир куни, “тегишили идора”да подполковник Мельников сўрок қилди ва менга дастлабки айбларни қайта қўйишибди, ҳатто, 1952 йил 22 июня ССР Олий Советининг фармони билан менга берилган “Қаҳрамон”лик унвони бекор қилинди. Оила-мизнинг тинчи бузилди. Надоматлардан қочиб, оиласиз билан Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги сабзавотчилик совхозига кўчиб кетдик. Лекин уйлангач, барча “тамфа”ларга чида, яна Сайрам қишлоғига қайтдик. Курашяпман, адолат ғолиб келишини кутиб яшапман, лекин у қачон келаркин, умуман келармикин? – деб Зиёмат ака ҳорғин ҳолда стулга чўкди. Анжуманда иштирок этётган алқомат ҳам-қишлоғимиз, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Бўтабой Содиқов ўтирган жойидан турди-да, Зиёмат акани қучоқлаб:

– Ўзи шунча азобларга қандай чидадинг-а? Энди мен ҳам адолатни тикиш йўлида курашганим бўлсин! – деди. Унинг ҳам кўзлари нам эди ўшанда.

Назир Сафаров домла ва мен бу борада ёрдамчи бўлишга ваъда бериб, хайрлашдик.

Бўтабой ака ўша учрашув-

дан сўнг колхоз раиси Ўрда оға Жамоловдан “Газ-24” хизмат автоуловини бир неча кунга сўраб олди ва биз Тошкентга равона бўлдик. Сафаримиз олдидан отам каминага Калинин номли мактаб директори Йўлдош Нишонбоевнинг СамДУда курсодиши бўлган Шароф Рашидовга мазкур воқелик изоҳланган мактубини тутқазди. Бинобарин, ушбу нома келажак ишларимизнинг равнақига, унинг ижобий ҳал этилишига асос бўлди. Биз билан, шунингдек, ремонт-механика заводининг директори Озод Жамоловнинг кичик ўғли Шухрат ҳам хизматга отланди. У Тошкентда ўқир ва шаҳар йўлларини жуда яхши биларди, қолаверса, биз режалаган воқеликни суратга туширишга орзуманд эди.

Барчамиз жамул-жам Зиёмат аканинг синглисиликда, Тошкентдаги “Ишчилар шаҳарчаси” (хозирги “Теннис корти”)даги хонадонда тунадик. Уйқусиз тунда шу маҳаллада истиқомат қилувчи жангчи мухбирлар – Зиннат Фатхуллин ва Адҳам Раҳмат иштирокида ишларимизни режалаб олдик.

Бир неча кун давомида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Бўтабой Содиқов билан бирга шаҳар ҳарбий комиссарлиги, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти, турли архивларни кездик, лекин Зиёмат акани оқлаш мумкин бўлган бирорта ҳужжат топмадик. Қизигини қаранг: мавжудлари – фақат уни қоралашга қаратилганди. Жамласак, ҳеч ижобий натижা йўқ. Бир қарорга келдик: Нишонбой Йўлдошевнинг мактубини эгасига етказиши – Ўзбекистон Компартиси марказқўмининг биринчи котибидан қабул қилишини илтимос қилиш. Сафаримиз ижобат бўлишига ишонмаган ҳолда йўлга тушдик. Ҳа-ҳа, ишонмайсиз, бир соат вақт ўтмасдан биз Шароф Рашидовнинг ёрқин сиймосини кўриб турардик. Бир республика раҳбарининг бизга шу қадар меҳрибонлик кўрсатиши тушишимизга ҳам кирмаганди. Бу – ҳозирги катта-кичик раҳбарлар ўрнак олса арзидиган фазилат.

Қисқаси, унга мақсадимизни баён қилиб, жавобни ҳам олдик. Шароф ака Олма-Ота билан боғланиб, у ёқдагиларни мавжуд муаммо билан таништириди ва ёрдам беришларини сўранди... (Қишлоғимизга қайтиб келганимизда маҳаллий раҳбарларнинг ушбу масалага ёндашуви бутунлай ўзгарган эди).

Энг муҳими, Назир Сафаров ва камина ваддамизни устидан чиққандик, айниқса, Ўзбекистон ва Қозогистоннинг ўша даврдаги раҳбарлари – яқин дўст-биродарлар – Шароф Рашидов ва Динмуҳаммад Кўнаев ҳақиқатни юзага чиқаришда шахсан бош-қош бўлишиди. Лекин адолат тарозиси ҳаракатга келгунича орадан янга 2 йил ўтди. Ўша даврдан эътиборан Зиёмат ака ҳақида бадиий ва ҳужжатли фильмлар олинишига ҳамда китоб, очерк, мақолалар чоп этилишига Ўзбекистон, Қозогистон, Украина, Россия, Болгария, Юgosлавияда изн берилди. Адолатнинг синмаслиги шу бўлса керак-да?! Мен эса З. Ҳусановнинг мардоновор ҳаёт йўли ва эришган муваффақияти жамланган “Ўзбек тилидаги фронт газеталари” мавзусидаги диплом ишимни “аъло” баҳоға ёқладим.

Таникли ёзувчилар Комил Яшин, Саъдулла Кароматов ва “Жаҳон адабиёти” журнали бош мухаррири ўринбосари, ҳамшишлогим Мирпӯлат Мирзо иштирокида курашимиздаги голиблик сарҳисобини баҳам кўриш илинжида синофдoshim, шоир Юсуфийнинг хушҳаво дала шийпонида отам Мирсовур аканинг аввалдан тайёрлаган “сценарий”си асосида учрашиб, қўш қаҳрамон – Зиёмат ва Бўтабой акаларнинг суҳбатларини тўйиб-тўйиб эшитганимиз, бу тарихнинг давоми, шодиёна онлари эди.

Лекин, афсуски, ушбу адолат тантанаси Зиёмат Ҳусановнинг қалбига етказилган ноҳақ хўрликларни батамом юва олмади. Муаллимим 1986 йили бу фоний дунёни тарк этди.

Зиёмат ака Ҳусанов ҳаётининг охирги кунларигача Калинин номли ўрта мактабда устозлик қилди. У халқининг ҳақиқий эъзозига сазовор бўлди, оз фурсат бўлса-да, қаҳрамонликнинг гаштини сурди. Адолат тиклангандан сўнг уюштирилган кўплаб учрашувларда ўзининг таъсири ва мунгли сұхбатлари билан ёш авлод қалбига ватанпарварлик ҳиссини сингдиришда иштирок этди.

Зиёмат Ҳусановнинг жасорати, матонати ва мардлигини ҳалқимиз унутмайди, унинг порлок сиймоси авлодлар қалбida абадий яшайди.

Миркарим МИРСОВУРОВ.

АКАДЕМИКНИНГ ЭЗГУ ИШЛАРИ ТАРИХГА МУҲРЛАНДИ

Академик Абдумуса Қуатбеков номидаги Ҳалқлар дўстлиги университетида Наврӯз байрами доирасидаги “Эзгу ишлар куни” ўзгача тарзда нишонланди. Тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар дастлаб олий ўкув юрти кираверишидаги А. Қуатбеков ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйдилар. Сўнг ўкув даргоҳи асосчиси номидаги музей тантанали рошишда очилди.

Тадбир доирасида Арис шаҳрида Т. Тажибаев номидаги болалар уйи тарбияланувчилари учун ғамхўрлик акцияси уюштирилди. Унда университетда имтиёзли рошишда ўқиш имконияти берилган ва болалар уйида тарбияланган талабаларга маҳсус сертификатлар топширилди.

Яқинда университет олдида академик А. Қуатбеков ёдгорлиги очилган



эди, бугун эса музей ташкил қилинди. Энди апрель ойида “Қуатбеков ўқувлари: Мустақиллик сабоқлари” мавзуида ҳалқаро илмий-амалий анжуман ўтказишга тайёргарлик кўрммоқда.

– Академик Абдумуса Қуатбеков умри давомида эзгу ишларга бошқош бўлди, етим-есирларни бошини силади, улуғ иш бўлган – зиё нурини таратди. Бугунги кунда университетда академикнинг ҳайрли ишлари давом эттирилмоқда. Академик Қуатбековнинг ҳаёт йўлини, эзгу ишларини қелажак авлодга ибрат қилиб кўрсатишимиз керак, – деди тадбирда қатнашган Шимкент шаҳар Рассомлар ўюшмаси раиси А. Ахметов.

“Жанубий Қозогистон” мухбири.

ИСТЕЙДОД, МАҲОРАТ ВА ШИЖОАТ ЎЙГУНЛИГИ

Оқсувкент қишлоғида жойлашган Гуманитар-техника коллежи фаолиятини бошлагашига кўп вақт бўлмаса-да, таълим даргоҳи талабалари иқтидор ва заковатини амалда кўрсата бошлаши.

Элмурод Каримбоев раҳбарлигига бир гурӯҳ талабалар томонидан турли техник асбоблар ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, Шухрат Эргашбеков етакчилигидаги талабалар замонавий ўриндишлар ишлаб чиқариши бошлаши.

Таълим масканининг ютуқлари бу билан чекланиб қолмай, бу ерда тикив цехлари ҳам ишга туширилиб, талабалар рўзгор, аёллар сумқалари ва қўлқоп тикишни йўлга қўйишиди.

Ушбу тадбирлар коллеж муассиси Зокиржон Нишонбоев ташаббуси билан амалга оширилмоқда.

Гуломжон Ирискелдиев.
Сайрам тумани.



● Спорт

ЁШЛАРИМИЗ АНОЙИ ЭМАС

Республикамизда ёшлар орасидаги футбол мавсумини “Арман” республика турнири очиб бериши анънага айланган. У ҳар иили Тараз шаҳрида уюштирилади. Яқинда кучли жамоалар иштирок этган финал босқичи ниҳоясига етди. Унда шиддатли ўйин кўрсатган “Ордабасы” клубининг “Оңтустик” академияси жамоаси фахрли учини ўринни эгаллади.



“А” гурӯҳида улар “Ордабасы”, “Жас Қыран” жамоаларидан устун келса, “Қайрат” ва “Тараз” жамоаларига юқазишди. Учинчи ўрин учун бўлган баҳсада “Жўлдыз” жамоасидан устун келди. Мусобақа давомида жамоа аъзолари – Алиби Абдиманап, Магжан ва Биржан Тўқтибай, Бекзод Хомутов, Серик Рисбек, Ерасил Байзақлар гол уришга мудаффақ бўлдилар. Мақсат Қурмангазин эса турнирнинг “Энг яхши дарвозабони” бўлди.

“Оңтустик” жамоаси Алматида ўтган “Nauryz CUP-2021” мусобақасида ҳам муносиб иштирок этиб, фахрли иккичи ўринни эгаллади. Турнир фолиби “Қайрат-1” жамоасидан голлар ҳисобигагина ортда қолди. Жамоа ҳимоячиси Нурдаулет Бейсенбай турнирнинг “Энг яхши ҳимоячиси”, дея эътироф этилди.

“Жанубий Қозогистон” мухбири.

«Дўстлик» республика ҳамжамияти “Қўрмет” ордени соҳибаси, кўп ийлар 4-сонли Сайрам болалар уйига раҳбарлик қилган меҳнат фахрийси

Хонимбуви Абдуқодирова-
нинг оламдан ўтганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, оила аъзолари ва қариндошур угларига таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

“Дўстлик” республика ҳамжамияти отаҳон шоир Файзулла Икромовга турмуш ўртоғи

Дилбар ая-
нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия изҳор этади.

Шимкент шаҳри ҳокимлиги де-
вони ижтимоий-сиёсий, ижтимоий соҳа мониторинги бўлими раҳбари Бақберди Қалмирзаевга отаси, оқин, ёзувчи

Амзе Қалмирзаули-
нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

Аллоҳ марҳумларни ўз раҳматига олган бўлсин!

АСОМИДДИН УСТОЗ ХОНАДОНИДА



Кентов шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси Ҳошим Абдувалиев, оқсоқоллар кенгаши раиси Мамасоли Зиёев ҳамда вилоят жамоат тотувлиги бошқармаси Кентов шаҳар бўлими раҳбари Бек Мейирбекули Қорачик қишлоғига ташрифи чоғида қишлоқ жамоат ташкилотлари раҳбарлари Мирзахон Адҳамов ҳамда Боботой Муютовлар тақлифи билан томорқасида мевали ва манзарали кўчат этиши турувчи дехқон – Қорачик ўрта мактаби ўқитувчиси Асомиддин Фанишев

хонадонига бориб, ҳовлидаги турфа хил арча дарахтлари ўғунлигидан ҳосил бўлган ажойиб манзарани завқ билан томоша килишиди.

Меҳмонлар ҚР Мустақилликнинг 30 йиллиги муносабати билан шу ерда арча дарахти кўчати ўтказиб, келгусида эзгу ишлар борасида ҳамкорлик қилишга ният билдиришиди.

Асомиддин Фанишев эса мактабда ҳашарларга турли кўчатлар билан ҳомийлик қилишини анъанага айлантирган.

● Биргамиз

ПАРТИЯДАН ТАШАККУРНОМА



Янги Иқон қишлоғидаги нафақадаги олий тоифали устоз, қишлоқ ўзбек этномаданият бирлашмасига самарали раҳбарлик қилаётган раис, «Жанубий Қозоғистон» газетасининг жамоатчи обуначиси Усар Нематуллаев Қозоғистон Республикаси Nur Otan партияси раисининг биринчи ўринбосари Бауржан Байбек имзолаган ташаккурнома билан тақдирланди.

Мукофотни соҳибига Янги Иқон қишлоқ округи ҳокими Серик Садибаев тантанали равишда тақдим этиб (тасвирда), самимий ниятларни изҳор этди.

«Қозоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси билан маслаҳатлар депутатлари сайловида Nur Otan партиясининг жонкуяри сифатидаги фаоллигинги учун миннатдорчиллик билдираман. Партияниң бугунги муваффақияти – сиз каби юзлаб фаол фуқароларнинг самарали меҳна-

ти натижасидир. Элбоши билан бирга эришган ютуқлар Ватанимизнинг эзгулиги ва равнақига хизмат қилади. Сизга мустаҳкам саломатлик ва хизматнингизда зафарлар тилайман», дейилган ушбу ташаккурномада.

Усар Нематуллаевнинг умр йўлдоши – фаҳрий устоз Тамара Карим қизи Янги Иқондаги Мирзо Улугбек номли мактабда узоқ йиллар меҳнат қилган. Улар фарзандлар кўриб, неваралар тарбиялаган пири бадавлат оила соҳиблари ҳамдир. Юксак мукофот муборак бўлсин!




УҚАЛАШ

**КАТТАЛАР ВА
ЁШ БОЛАЛАР
УЧУН**

Мурожаат учун тел:
87753816336

Дилбар Мўминова.

Директор-Бош мұхаррир учун – Муроджон АБУБАКИРОВ.

Бош мұхаррир
ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба –
Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркестон, Кентов — Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Тұлебий — Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт — Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7-701-447-37-42.
Сайрам — Мұхтарбар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.
Тулкишо — Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.
Обуна, реклама ва эълонлар — Зокиржон МЎМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.



● Спорт

ҲОКИМЛИКНИНГ ЭЗГУ ТАШАББУСИ

Қорачик қишлоқ округи ҳокимлиги ташаббуси билан ёшлар ўртасида футбол турнири ташкил этилди.



Тадбиркор Қутлуг Расул ўғлининг мұхташам ёпік спорт мажмуасыда 12та футбол жамоаси күч синашди. Тадбир аввалида уларга ташкилотчилар, ҳомийлар ва меҳмонлар – қишлоқ ҳокими, ҚР Мустақилликнинг тенгдөш «Жанубий Қозоғистон» вилоят газетаси обунасингин жонкуяр ташкилотчиси Нуржан Советули, «Улес» хайрия жамоа жамғармаси раиси Райим-

жон Құчқоров, «Алтын бұлақ» мажмуаси раҳбари Таубай Эгамбердиев, «Турон» МЧБ раҳбари Ҳабиулла Азимов, қишлоқ жамоат тотувлиги ташкилоти раиси Боботой Муютов, қишлоқ ширкати раҳбари Ақром Султоновлар муваффақиятлар тилашди.

Үтган йили ҳам қишлоқда футбол бўйича ёшлар орасида мусобақа ташкил этилган эди. Ушбу анъана давом этмоқда.

Бу ийги спорт анжуманлари ҚР Мустақилликнинг 30 йиллигига муносиб тұхфа бўлади.

– Бу йил Қозоғистон Мустақилликнинг 30 йиллиги доирасида яна қатор мусобақалар, хусусан, волейболдан беллашувлар ташкил этиш режамиз бор, – дейди Нуржан Советули.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

ЭЛЛИК ЙИЛ АВВАЛГИ ХАТОЛИК



вегетули қабулида бўлиб, ушбу мавзуда сухбат юритдик. Қишлоқдаги долзарб муаммолардан бири – қудуклардаги сувнинг йилдан йилга камайиб бораётганды. Ҳозир уй-жой қурилишида илгариги анъанавий пахса эмас, замонавий бетон блокнинг көнг күлланилиши туфайли Қорачик қишлоғи атрофида қазилма ишлари жонланди. Бу ҳам қудуклардаги сувнинг кескин камайишига сабаб бўлмоқда.

Агар йиртошда тўғон қурилса, обикор дехқончиликнинг имконияти кенгайиб, қудуклардаги сув сатхи кўтариларди. Яқинда тадбиркор, «Турон» МЧБ раҳбари Ҳабиулла Азимов бу эзгу ишга бел боғла-

ди. У қишлоқда тўғон қуриш лойиҳасини тайёрлади ва иш бошлаш учун мутасадди ташкилотлар рұхсатини олди.

Яқин келажакда Саврон туманиндағы Қорачик қишлоғида ўтган асрда яшаб ўтган ажойиб дехқон, сув бўйича ҳаёт амалиёти академиясини тамомлаган жонкуяр ва фидойинсон – Адҳам Мусабек ўғлининг ушалмай қолган орзузи амалга ошса, тўғон қорачикларни обиҳаёт билан тўлик таъминлайди.

Суратда: Мирзахон Адҳамов ва Райимжон Құчқоров эллик йил муқаддам бунёд этилган, бугунги кунда ташландик сув иншоотида.

Саҳифани Шомирза МАДАЛИЕВ тайёрлади.

Муассис – Туркестон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сийеси газетаси «тахририя» масъулияти чекланган биродарлариги.

МАНЗИЛИМИЗ: 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-й, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефон: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55

Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирига томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинни, KZ34VPRU0022503 гувоннома берилган.

Буюртма:
880.

Нашр кўрсаткичи – 65466.
Адади – 11900 нусха.

Навбатчи мұхаррир: Саодат ШАРИФБОЕВА.